

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2022 йил апрель ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар суди биносида, очиқ суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Д.Олимовнинг раислигида, А.Юлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари Б.Шодмонов ва гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлининг ҳимоячиси адвокат А.Нормирзаевнинг иштирокида, гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғли ва жабрланувчи Тўраева Сатқинжон Ганижоновнанинг қонуний вакили Тураева Ширманой Ганижоновна қатнашувида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1601-2205/301-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғли – 16.09.1992 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Давлатобод тумани, “Умид” МФЙ, 18-уй, 31-хонадонда яшайди.

Суд, гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини ҳамда ҳимоячи ва давлат айбловчисининг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғли 2022 йил 21 январ кунидан 22 январь кунига ўтар кечаси қўшниси Тўраева Сотқинжон Ганижоновнани яшаш хонадонини чақириб, у билан бирга яшовчи жияни А.Тайлоқов билан шу куни ташқарида узаро гап тортишиб қолганлиги сабабли уни олдиға келган вақтида, иккаласи яшаш хонадон ичида бири бири билан жанжаллашиб турганини кўрган шу хонадон ичида бўлган С.Тўраева уларни ажратиб турган вақтида Б.Тожибаев суриштирув давомида аниқлаш имкони бўлмаган уткир тиғли жисми пичоқ билан унинг юз ва бўйин соҳасига тан жароҳати етказганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Суд тиббий экспертизаси илмий амалий маркази Наманган вилоят филиалининг 24.01.2022 йил кунги 445/364-сонли хулосасида С.Тўраеванинг баданида аниқланган тан жароҳатлари чап томон юз соҳаси бўйин соҳаси кесилган, санчилган жароҳати аниқланганлиги, оғирлик даражасига кўра СОҒЛИГИНИ БУЗИЛИШИГА САБАБЧИ БЎЛГАН ЕНГИЛ тан жароҳати тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғли суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг



оқибатларини англаганлиги, аслида жабрланувчи С.Тўраева қўшниси бўлишини унинг даволаниши учун зарур бўлган дори-дармонларни олиб бериб, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи қонуний вакили Ш.Тўраева суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлига нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъволари йўқлиги, ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғи бўлишини ҳозирда соғлиги тикланганлиги, аризани ўз хоҳишлари билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганликлари ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчининг ҳамда гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлининг айбига тўлиқ иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлига нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлини жинойий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582, 583, 586-моддаларини қўллаб, ажрим қилади

А Ж Р И М :

Гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлига нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан



тугатилсин, гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғли жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Хукм қонуний кучга киргандан сўнг гумонланувчи Тожибаев Баходиржон Бахтиёр ўғлига нисбатан қўлланилган тилҳат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Тергов ҳаракатлари акс эттирилган бир дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинганидан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

